

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/08.05.2024.A.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВА МАФТУНА АЛИШЕР ҚИЗИ**

**МАСЖИДЛАР АРХИТЕКТУРАСИ ВА УЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК**  
**ЕЧИМЛАРИ: АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК**  
**(ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.**  
**Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2025**

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации на соискание ученой степени  
доктора философии (PhD) по архитектуре.**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
architecture**

**Хасанова Мафтуна Алишер қизи**

Масжидлар архитектураси ва уларнинг типологик ечимлари: анъана ва  
замонавийлик (Тошкент шаҳри мисолида) .....

**Хасанова Мафтуна Алишер қизи**

Архитектура мечетей и их типологические решения: традиции и  
современность (на примере города Ташкента) .....

**Xasanova Maftuna Alisher qizi**

Architecture of mosques and their typological solutions: traditions and  
modernity (on the example of the city of Tashkent) .....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/08.05.2024.A.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВА МАФТУНА АЛИШЕР ҚИЗИ**

**МАСЖИДЛАР АРХИТЕКТУРАСИ ВА УЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК**  
**ЕЧИМЛАРИ: АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК**  
**(ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.**  
**Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/A82 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маматмусаев Тохир Шайдулович**  
архитектура фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонетлар:**

**Етакчи ташкилот:**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси 9-уй. Тел.: +99895 142-35-85, web: [www.taqu.uz](http://www.taqu.uz); e-mail: [devon@taqu.uz](mailto:devon@taqu.uz)).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси 9-уй. Тел.: +99855 508-02-89).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**В.А. Асқаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ш.С. Рейимбаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, арх.ф.д., доцент

**М.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, арх.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида тарихий-маданий, архитектура ва археология меросини ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш, келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро ва ички туризм соҳасидан унумли фойдаланиш долзарб тус олмоқда. Бу борада тарихий шаҳарларда муҳим аҳамиятга эга бўлган марказлар, маданий мерос объектлари, ҳозирда мавжуд архитектура ва археология ёдгорликларини сақлаш, таъмирлаш ва қайта тиклаш, улардан самарали фойдаланиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Дунё миқёсида қадимий маданий мерос объектларининг пайдо бўлиши, эволюцион тараққиёти, шаҳарсозлик тизимини сақлаш, археология ва архитектура ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмирлашга бағишланган илмий тадқиқотларда тарихий ёдгорликларни асл ҳолатида сақлаб қолиш йўллари такомиллаштириш, тарихий ёдгорликлардан туризм салоҳиятини ошириш учун самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу тадқиқотларда меъморий ёдгорликларнинг ўзига хос тарихий-меъморий хусусиятларини аниқлаш, масжидлар типологияси, структурасини тарихий ҳудудлардаги жойлашуви ва архитектуравий режаларини ва уларнинг ривожланиш босқичларини ўрганиш, маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда миллий қадриятлар, моддий-маданий ёдгорликларга эътибор тубдан ўзгарди. Жумладан, архитектура ва археология ёдгорликлари, маданий меросни янада чуқурроқ ўрганиш, халқаро ва ички туризм салоҳиятини ривожлантиришда улардан самарали фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. “Бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур”.<sup>1</sup> Бугунги кунда юртимизнинг тарихий шаҳарларида мавжуд архитектура ва археология ёдгорликларини асраш, таъмирлаш ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қадимги давр, ўрта асрлар ва ундан кейинги давр ёдгорликларини асл кўринишини тасаввур қилиш учун уларнинг дастлабки кўринишини график қайта тиклаш, ҳудуднинг шаҳарсозлиги ва меъморлигида архитектура ва археология ёдгорликларининг тутган ўрнини аниқлаш меъморчилик фанининг долзарб масаласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги 200-сонли “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини янада такомиллаштириш” бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури, 2018 йил 16 январдаги ПФ-5181-сон “Моддий-маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 20

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга муножаатномаси. 29.12.2020.

декабрдаги 1021-сон “Моддий-маданий мерос, кўчмас мулк объектларини асраш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом ва шу соҳага тегишли бошқа меъморий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновасион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон масжидлари ҳақидаги илмий маълумотлар анчагина бўлсада, улар турли даврларда нашр этилган журнал ва илмий тўпламлар, илмий ҳисоботлар, анжуманлар материаллари таркибига кирган ва китоб шаклида мавжуддир.

Ўрта аср меъморий обидалари масжидлар типологик босқичлари ривожланишини Т.Ш. Маматмусаев<sup>2</sup>, П.Ш.Зоҳидов<sup>3</sup>, Қ.Ҳ.Муҳаммаджанов<sup>4</sup>, Д.А.Нозилов<sup>5</sup>, Ў.А.Султонов<sup>6</sup>, А.Кучибоев, Э.Гюль ва бошқа олимлар илмий изланишларда ўрганишган.

Ўрта аср масжидларининг шаклланиши ва ривожланиши асослари, меъморий типологияси, конструктив ечимлари, интерерларнинг безаклари, функционал хусусиятлари, комплекс ўрганишга бағишланган М.Қ.Аҳмедов<sup>7</sup>, М.С.Булатов<sup>8</sup>, А.Ашрабов, А.А.Ҳаққулов<sup>9</sup>, Ш.Д.Асқаровлар<sup>10</sup> изланишларида, ёзма маълумотлар бўйича ўрганилган тарихий ва архитектуравий маълумотлар келтирилган. Бугунги кунда чет эл мамлакатларида Ўрта асрлар меъморий обидалар масжидларининг ривожланиш даврига бағишланган кўплаб асарлар чоп этилмоқда. Улар орасида А.Марям, О.Грабар, А.Гранглер, Х.Ирфан ва бошқа хорижлик олимларнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга.

Масжид меморлиги соҳасида ўзларининг кўп ишлари билан танилган меъмор ва халқ усталари О.Бобомуродов, А.Ҳаққулов, М.Тоиров, Ш.Муродов, Ю.Мусаев, А.Қулиев, А.Х.Тамими,<sup>11</sup> Б.Н.Засипкин асарларида баён қилинган. Шундан сўнг бу соҳада олимлардан К.С.Крюков,

<sup>2</sup> Маматмусаев Т. Ш. “Улуғбек даври архитектураси (XV асрнинг 1-ярми)”, Архитектура номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.Тошкент- 2011 йил, 18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш.

<sup>3</sup> Зоҳидов П.Ш. “Меъмор олами”. Тошкент-1996, : Қомуслар бош таҳририяти,-37-бет.

<sup>4</sup> Муҳаммаджанов Қ. М, Муҳаммаджанов Б.Қ. Объектив архитектура санъати ҳақида. -Тошкент, 2019.

<sup>5</sup> Нозилов Д.А. “Халқ меъморчилиги”. Тошкент-1982, “Фан”,98-бет.

<sup>6</sup> Султонов Ў.,”Тошкент Масжидлар тарихи” Тошкент-2010,-153 бет.

<sup>7</sup> Аҳмедов М.Қ. “Меъморий мерос”(2 қисмдан иборат).Тошкент-2011: Фан ва технология, -132-бет.

<sup>8</sup> Нозилов Д.А. “Халқ меъморчилиги”. Тошкент-1982, “Фан”,98-бет.

<sup>9</sup> Уралов А.С., Ҳаққулов А.Ф., Абдураимов Ш.М. “Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш тамойиллари”. Монография. Самарқанд – 2020,-260-бет.

<sup>10</sup> Булатов В.А., Маньковская Л. Ю. “Памятники зодчества Ташкента XIV-XIX вв.” Ташкент-1983, -146-бет.

<sup>11</sup> Тамими А.Х. Масжидларнинг ислом қоидалари асосида меъморий-режавий тузилишини шакллантиришнинг умумий тамойиллари мавзусида номзодлик диссертацияси. -Тошкент,1994.

И.И.Ноткин, Л.Ю.Маньковская<sup>12</sup> масаланинг методологик томонини кўриб чиқишган. В.Л.Воронина, А.С.Уралов<sup>13</sup>, Т.Ф.Қодирова<sup>14</sup>, О.М.Салимов<sup>15</sup>, А.А.Зияев<sup>16</sup>, М.А.Юсупова<sup>17</sup>, Х.Ш.Пўлатов<sup>18</sup>, Д.Н.Султонова,<sup>19</sup> А.Н.Султанов<sup>20</sup> ва бошқалар масаланинг тарихий ва амалий томонини очиб беришган.

Лекин Тошкент масжидларининг турлари ва уларнинг шаклланиш қонуниятлари ҳанузгача комплекс тарзда таҳлил қилинмаган. Масжидлар тўғрисида олиб борилган бир қанча тадқиқотларга қарамай, масжидлар типологияси ҳали ҳам тўлиқ илмий ўрганилмаган. Ушбу тадқиқот айти шу жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Мазкур илмий иш Тошкент масжидлари архитектураси, уларнинг типологик ечимлари, замонавий масжидларнинг функционал хусусиятлари, масжидлардан самарали фойдаланиш йўлларини комплекс ўрганишга бағишланган илмий иш ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ F.1-86 рақамли “Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш” (2016-2022 йй.) мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент масжидлари архитектурасини очиб бериш ва уларнинг типологик ечимларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

масжидларни архив манбалари, илмий адабиётлар ва жойида ўрганган ҳолда тадқиқ қилиш;

масжидлар типологияси ва уларнинг шаклланиш жараёнларини аниқлаш;

Тошкент масжидларнинг шаҳар миқёсида жойлашув ўрнини харитада белгилаш;

Тошкент масжидларининг типологияси, меъморий-режавий ва композициявий ечимларига хос хусусиятларини очиб бериш.

---

<sup>12</sup> Маньковская Л.Ю. “Формообразование и типология зодчества (IX-начало XX века)”. Ташкент-2014: “Baktria press”, - 496-бет.

<sup>13</sup> Уралов А.С., Кодиров Т. Архитектуровий композиция тарихи ва усуллари. -Тошкент,2013.

<sup>14</sup> Ўролов А., Қодирова Т. Ўрта Осиё архитектура ёдгорликларининг типологик асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент-2011

<sup>15</sup> Салимов О.М. “Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш”. Монография.– Тошкент; “Наврўз” нашриёти, 320 бет.

<sup>16</sup> Зияев А.А. “Ташкент II” Тошкент-2009,: “Санъат”,-280-бет.

<sup>17</sup> Юсупова М.А. “Бухарская школа зодчества XV–XVII вв. (особенности и динамика развития)” Самарқанд-2022. – 360 -бет.

<sup>18</sup> Пўлатов Х.Ш. “Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари” Тошкент-2013,: “ТАҚИ”,-116-бет.

<sup>19</sup> Султонова Д.Н. Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадий воситаларни уйғунлаштириш йўллари. Автореф. док. дисс.-Тошкент, 2020.

<sup>20</sup> Султанов А.Н. “Замонавий масжидлар архитектурасини шакллантиришдаги етакчи анъаналар (Ўзбекистон мисолида)”, (PhD) диссертацияси.Самарқанд- 2024 йил, 18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳридаги тарихий ва бугунги кунда фаолият кўрсатаётган масжидлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни масжидларнинг архитектуравий-режавий, конструктив-бадий ечимлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда архив манбаларини ўрганиш, уларни тизимлаш, натурал тадқиқ қилиш, фотофиксация, йиғилган материалларни таҳлил қилиш ва илмий умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

тарихий масжидлар тарҳий ечимида квадрат, тўғри тўртурчак шакллар устуворлик қилган бўлса, бугунги кунда барпо этилаётган замонавий масжидлар типологиясида саккизқиррали (баъзида тўққизқиррали), квадрат, айланасимон, “hi-tech”, тўғри тўртбурчак каби режавий шакллар устуворлик касб этаётганлиги аниқланган;

XIX асрнинг 2-ярми – XX аср бошларида Тошкентда масжидлар сони ўзгариб турганлиги, жумладан 1868 йилда 297 та, 1873 йилда 248 та, 1911 йилда 345 та, 1912 йилда 333 та масжид бўлганлиги, шаҳарнинг европа қисмида ҳам масжидлар кўпайиб, 1911 йилда уларнинг сони 12 тага етганлиги далилланган;

замонавий масжидлар архитектурасини шакллантиришда пештоқ, минора, гумбаз каби анъанавий ҳажмий-композициявий элементлар муҳим аҳамият касб этаётганлиги асосланган;

Тошкент шаҳрида бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 135 та масжидларнинг жойлашув ўрни Тошкент шаҳри харитасида белгиланиб, масжидлар қурилиш услубларига кўра анъанавий (82 та), хориж таъсирида (49 та), “hi-tech” (4 та) каби учта турга ажратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳри масжидлари туманлар кесимида харитага жойлаштирилиб, уларнинг архитектураси асосланган;

масжидлар тарихи, архитектураси, қурилиш даври, сифими, миноралари сони ва баландликлари юзасидан таҳлилий маълумот ишлаб чиқилган;

бугунги кунда фаолият кўрсатаётган Тошкент масжидлари архитектураси комплекс тарзда баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** архитектурада бирламчи моддий маданият манбаларига бағишланган адабиётлар, тарихий манбалар ва архив материалларига мурожаат қилинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг тегишли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги, халқаро ва республика конференцияларида, илмий семинарларда апробациядан ўтказилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг илмий аҳамиятга эгаллиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти архитектура тарихи ва назарияси соҳасидаги билимларни бойитиш, меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш лойиҳаларини бажаришда халқ меъморлигининг ўзига хос

анъаналаридан самарали фойдаланиш имкониятларини ошириши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти архитектура ва қурилиш ташкилотларининг фаолиятида, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, миллий услубларни қўллаган ҳолда замонавий меъморликни ривожлантиришда ҳамда олий таълим муассаларида архитектура соҳасидаги фанлар мазмунини тўлдиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Масжидлар архитектураси ва уларнинг типологик ечимлари (Тошкент шаҳри мисолида) мавзуси юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

тарихий масжидлар тарҳий ечимида квадрат, тўғри тўртурчак шакллар устуворлик қилган бўлса, бугунги кунда барпо этилаётган замонавий масжидлар типологиясида саккизқиррали (баъзида тўққизқиррали), квадрат, айланасимон, “hi-tech”, тўғри тўртбурчак каби режавий шакллар устуворлик касб этаётганлиги аниқланганлиги ҳамда XIX асрнинг 2-ярми – XX аср бошларида Тошкентда масжидлар сони ўзгариб турганлиги, жумладан 1868 йилда 297 та, 1873 йилда 248 та, 1911 йилда 345 та, 1912 йилда 333 та масжид бўлганлиги, шаҳарнинг европа қисмида ҳам масжидлар кўпайиб, 1911 йилда, уларнинг сони 12 тага етганлиги далилланганлиги юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси фаолиятларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг 2025 йил 23 июндаги 04-10/2535-сон, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 27 июндаги 02-02/1847-сон маълумотномалари). Натижада Тошкент масжидларининг ривожланиш босқичлари, типологик ечимлари ва сонлари хусусида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имкони яратилган;

замонавий масжидлар архитектурасини шакллантиришда пештоқ, минора, гумбаз каби анъанавий ҳажмий-композициявий элементлар муҳим аҳамият касб этаётганлиги асосланганлиги ҳамда Тошкент шаҳрида бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 135 та масжидларнинг жойлашув ўрни Тошкент шаҳри харитасида белгиланиб, масжидлар қурилиш услубларига кўра анъанавий (82 та), хориж таъсирида (49 та), “hi-tech” (4 та) каби учта турга ажратилганлиги юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси фаолиятларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг 2025 йил 23 июндаги 04-10/2535-сон, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 27 июндаги 02-02/1847-сон маълумотномалари). Натижада бугунги кунда фаолият олиб бораётган Тошкент масжидларининг қурилиш услублари ва уларнинг архитектураси бўйича илмий асосланган хулосалар олиш имконияти яратилган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, республика ва халқаро конференцияларда 5 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика илмий журналларида 2 та ва хорижий журналларда 4 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, атамаларнинг изоҳли луғати ва иловадан иборат бўлиб, диссертациянинг асосий матни \_\_\_\_\_ бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I боби **“Мовароуннаҳрда масжидларнинг шаклланиш жараёнлари”** деб номланиб, унда илк масжидларнинг вужудга келиши, теурийлар ва сўнгги ўрта асрлардаги масжидлар архитектураси, Тошкент ҳудудидаги тарихий масжидларнинг архитектураси кўриб чиқилган.

Биринчи бобнинг *“IX-XII асрларда масжидларнинг шаклланиши”* деб номланган 1-параграфида қуйидагилар кўриб чиқилган. Масжид арабча “сажда қилинадиган жой” маъносини билдириб, исломда ибодат амаллари бажариладиган жойни англатади. Ислом оламида илк масжидлар Мадина ва кейинроқ Макка шаҳарларида қурилгани маълум.

Масжид биносининг анъанавий меҳроб, минбар, мақсура ва минорадан иборат бўлган кўриниши VIII аср охири ва IX аср бошларига келиб узил-кесил шаклланган. Хусусан, меҳроб-масжиднинг қибла тарафига ишланадиган саждагоҳ бўлиб, масжид қурилишида алоҳида аҳамият касб этган. Минбар эса, жомеъ масжидларда хутба ўқиш учун мўлжалланган. Илк минбар икки зинали бўлиб, милодий 628-629 йилда, Пайғамбаримиз (с.а.в.) хутба ўқишлари учун тайёрланган. Айнан шу минбар дастлабки уч халифа Ҳазрати Умар (р.а.), Ҳазрати Абу Бакр (р.а.). Ҳазрати Усмон (р.а.) даврида хутба ўқиш билан бирга ҳокимият рамзи ҳам саналган. Сиёсий жиҳатдан Кўфа шаҳрида мустаҳкам ўрнашган Ҳазрат Али (р.а.) даврида шароит тақозоси билан иккинчи минбар ишлатилган. Ўз навбатида дастлабки умавий халифа Муовия ибн Абу Суфён (661-680) Дамашқда учинчи минбардан фойдаланган.”<sup>21</sup>

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам масжидлар қурилиши кенг кўламда олиб борилган. Жумладан, Тошкент шаҳрида дастлабки масжид

---

<sup>21</sup> Султонов Ў. “Тошкент масжидлари тарихи”. Тошкент - 2010,-153-бет, 15-б.

Бинкатда бунёд этилган. IX–X асрлар араб тарихчилари Истахрий, Макдисий ва ибн Ҳавқал шаҳар арки ёнидаги жоме масжиди ҳақида ёзиб қолдирган.<sup>22</sup>

Ислом дунёси шаҳарларининг ижтимоий–сиёсий ва шаҳарсозликдаги энг бош биноси бу масжид ҳисобланади. Тарихий масжидлар меъморий-режавий ечимларига қараб гузар (маҳалла), жума (жоме) ва намозгоҳ масжидларига бўлинган.

**Гузар (маҳалла) масжидлари** бир гумбазли-айвонли тип, устун-тўсинли текис томли тип ва устун-тўсинли гумбазли типларга бўлинади. Бир гумбазли-айвонли тип масжидларига Тошкентдаги Гулбозор, Азлархон Эшон, Ҳайробоод Эшон, Кўк масжидларни мисол қилиб келтириш мумкин. Устун-тўсинли текис томли типли масжидларга Тор кўча, Оби-Назир, Мирзабой масжидлари киради. Устун-тўсинли гумбазли типларга эса Охунгузар ва Бухородаги Мағоки кўрпа масжидларини киритиш мумкин.

Ўрта Осиё масжидлари тадқиқотчилари ушбу минтақа масжидларини курилиш услубига кўра қуйидаги учта асосий гуруҳга ажратади:

1. Қишки биноси (хонақоҳ) бир томондан айвон билан ўралган масжидлар: (олдидан ёки ён тарафдан);

2. Қишки биноси икки томондан айвон билан ўралган масжидлар (одатда жануби-шарқ ёки шимоли-шарқ тарафдан);

3. Қишки биноси уч томондан айвон билан ўралган масжидлар.

**Жума (жоме) масжидлари** бино типига кўра ички ҳовлили айвонли тип ва ҳовлисиз айвонли типларга бўлинади. Ички ҳовлили айвонли типга Калон масжиди (Бухоро), Амир Темур масжиди (Самарқанд), Хўжа Аҳрор Валий (аввалги ҳолати (Тошкент)) масжидларини киритиш мумкин.

**Намозгоҳ масжидлари** айвонли тип бўлиб, уларга Бухоро, Тошкент ва Занги ота таркибидаги намозгоҳ масжидларини киритиш мумкин.

**Масжидларни меъморий-режавий композициясига** қараб қуйидаги асосий турларга бўлиш мумкин: “Чортоқ” композициясидаги масжидлар (Термиздаги Чор Сутун масжиди ва Қаршидаги Тўра масжиди); хонақоҳи бир устунли (Бухородаги Қуруқсой масжиди) ва кўп устунли масжидлар (Хивадаги Жума масжиди); айвонли масжидлар (Самарқандаги Тиллақори масжиди); ҳовлили масжидлар (Калон, Амир Темур, Хўжа Аҳрор Вали жоме масжидлари).

Масжидларнинг вужудга келишини хорижий ҳудудлар кесимида кўриб чиқиладиган бўлса, илк масжид сифатида Мадина шаҳрида 622 йилда қурилган пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг уйлари фаолият кўрсатган. Унинг тарҳи квадрат шаклида бўлиб, ўлчамлари 30х30 метрга тенг бўлган. У ёпиқ хона ва ҳовлидан иборат. Унинг деворлари пахса, хом ғишт ва палма баргларида қилинган.

Ал-Қиблатайн жума масжиди ислом динида илк алоҳида шакллантирилган масжид ҳисобланиб, 623 йилда барпо этилган. Қиблатайн

<sup>22</sup> (<https://aniq.uz/uz/yangliklar/2019-yilda-uzbekistonda-nechta-masjid-ochildi>).

масжиди икки қибласи бор маъносини англатади. Масжиднинг тарҳи тўртбурчак шаклга эга.<sup>23</sup>

Араб ҳалифалиги Ўрта Осиёга кириб келгач оташпарастилик динининг ўрнини ислом дини, бу даврдаги мавжуд оташкада ва оташгоҳлар ўрнини масжидлар эгаллайди. Бу масжидлар тарҳда кўпроқ квадрат ва тўртбурчак, чортоқ тузилишида бўлган. Шунингдек, бир ёки икки томони очиқ тарҳдаги масжидлар ҳам бўлган. Ўзбекистон ҳудудида дастлабки масжидларга мисол қилиб, IX асрга тегишли бўлган Термиздаги Чор-сутун масжидини, XI асрга тааллуқли бўлган Навоийдаги Деггарон масжидини киритишимиз мумкин. Ушбу масжидлар бино функциясига кўра гузар (маҳалла) масжидлари типологиясига мансубдир. Чор-сутун масжиди гумбаз типигаги масжидларнинг илк намунаси бўлган. У эски Термиз ҳудудининг шимолий девори яқинида жойлашган. XII асрнинг бошларида масжидга яқин жойда, энг қадимги минора қурилган. Деггарон масжиди ҳозирда фаолият кўрсатувчи жума масжидидир. Археолог олимлар хулосасига кўра масжид қурилиши VII-IX асрларга тўғри келади. Айрим манбаларга кўра Деггарон масжиди Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги ислом биноларидан биридир. Масжиднинг архитектуравий ечими кўпроқ зардуштийлар ибодатхонасини эслатади. Унинг марказий гумбазидан ажралиб туради ва тўртта таянч устунга таянган.

Туркистон ҳарбий-топографик бўлими томонидан 1890 йилда ишлаб чиқилган Тошкент шаҳри режасида эски шаҳар ҳудудида жойлашган ўша даврдаги 42 та тарихий масжидлар ўрни кўрсатилган бўлиб, улар харитада белгилаб чиқилди. Ушбу масжидлардан фақатгина Хўжа Аламдор (Хўжа Аламбардор) масжиди шаҳар кўрғон деворидан ташқарида жойлашган. Қолган масжидлар шаҳарнинг шимолий, марказий ва жанубий қисмларида жойлашган. 1920 йилдан кейин масжидлар ўз функциясини ўзгартириб, бошқа мақсадларда фойдаланила бошлаган.

Биринчи бобнинг *“Темурийлар даври ва сўнгги ўрта асрларда масжидлар архитектураси”* деб номланган 2-параграфидан кўйидагилар кўриб чиқилган. Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқанд кўплаб диний обидалар бунёд этилган. Хусусан, масжидлар қурилишига ҳам катта эътибор қаратилган.

Ўрта асрларда Мовароуннаҳр меъморлигида жомеа ёки жума масжидлари қурилишига алоҳида эътибор билан қаралган. Бу даврга келиб Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент, Ҳирот, Машҳад ва бошқа шаҳарларда улғувор тарзда бунёд этилган жума масжидлари бўлган. Самарқандда Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган сафарларидан сўнг (1399-1404 йилларда) қурилган *Амир Темур жомеа* бутун Ўрта Осиё тарихий обидалари ичида ўзининг салобати билан ажралиб туради.

---

<sup>23</sup> Султанов А.Н. “Замонавий масжидлар архитектурасини шакллантиришдаги етакчи анъаналар (Ўзбекистон мисолида)”, (PhD) диссертацияси. Самарқанд- 2024 йил, 18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш.

Масжиднинг тўрт бурчагида миноралари мавжуд. Ҳозирги пайтда масжиднинг шимолий-ғарбий бурчагидаги минора ярим вайрона ҳолда сақланиб қолган. Бош пештоқ анча олдинга чиқарилиб, кичрайиб борувчи учта равоқ тарзида ишланган. Пештоқнинг икки ташқи четида думалок минора буржлари мавжуд. Бош пештоқ катта равоғининг эни 18,8 м. Ҳовлининг тўрида яна бир масжид биноси жойлашган бўлиб, унинг ҳам пештоқи маҳобатли ишланган ва буржлари кунгирадор (кўп ёкли) икки минора билан безатилган. Масжид бош равоқининг эни 17,5 м. Ҳовлининг марказидан ўнг ва сўл томонларда икки ён хонақоҳлар жойлашган. Масжиднинг хонақоҳ ва хоналари томи ўрта асрларга хос икки қават гумбазли қилиб ёпилган. Бино пойдевори анча чуқур бўлиб, тошлардан ишланган. Унинг остига қамиш ва жундан тўшамалар солинган. Бино деворлари пишиқ ғиштдан ишланиб, ораси яхши тиндирилган лой, ганчкор, ғишт парчалари билан яхлит қуйма шаклда шиббаланган.<sup>24</sup>

Мирзо Улуғбекнинг Регистон майдонида олиб борган ишлари таҳсинга лойиқдир. У бу ерда бир нечта иморатларни уйғун тарзда мувозанатлаштириб, ўз даврида ўзига хос мажмуани юзага келтирган. Бу иморатлар қаторида ҳозирда сақланмаган *Муқаттаъ масжиди* ҳам бўлган. Масжид ҳақида Бобур Мирзо ўз “Бобурномаси”да қимматли маълумотлар қолдирган: *“... Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди Муқаттаъ дерлар. Бу жиҳаттин Муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитойий нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур. Бу масжиднинг қибласи била мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Ҳолибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тарийқи била амал қилибтурлар”*. “Муқаттаъ” деган ном “ўймакор” маъносини англатади. Масжид ёғоч ўймакор нақшлар билан қопланган эди. Самарқандда кейинроқ қурилган гузар мажмуалари билан солиштирганда бу масжид, қишки хонақоҳ ва меҳробли, устунли галереяга эга бўлган. Бобур Мирзонинг гувоҳлик беришича, ўймакор устун ва шифтлар ислимий ва хитойий нақшлар билан безатилган эди.<sup>25</sup>

Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманида мавжуд бўлган Хўжа Аҳрор Валий жоме масжидининг аввалги архитектуравий типологик ечими ҳам масжидларнинг ҳовлили-айвонли типидан мустасно эмас эди. Масжиднинг тарҳи тўртбурчак шаклга эга бўлиб, хонақоҳ ҳовли тўрида жойлашган ва гумбаз конструкцияда ёпилган эди. Масжид худуди периметри бўйлаб жойлашган айвондан иборат бўлган.

Темурийлар давридан кейин ҳам масжидлар қуриш анъанаси давом этади. Бироқ ушбу масжидлар кичикроқ ҳажмда бунёд этилади. Шундай

<sup>24</sup> Маматмусаев Т. Ш. “Улуғбек даври архитектураси (XV асрнинг 1-ярми)”, Архитектура номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент- 2011 йил, 18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш.

<sup>25</sup> Маматмусаев Т. Ш. “Улуғбек даври архитектураси (XV асрнинг 1-ярми)”, Архитектура номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент- 2011 йил, 18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш.

масжидлардан бири Қарши шаҳридаги Намозгоҳ масжидидир. Унинг шаҳар жоме масжидларидан фаркли томони, иморатлар билан ўралмаганлигидир. У XVI асрдаги номозгоҳлардан бўлиб, анъанавий кўринишга эга – марказий пештоқ-гумбаз билан ён томонидаги қуйроқ равоқли галерея қўшилган. Масжид тарҳига кўра уч қисмдан иборат: марказда – тарҳига биноан асосий хонақоҳ, пештоқ гумбазли чортоқ кўринишида бўлиб, ярим саккиз қиррали ғарбий тарзининг меҳроб тахмони ташқи томондан бўртиб чиққан. Унинг гир атрофида равоқли галерея жойлашган, унга ён томондан киравериш равоқнинг асосий ҳажми билан боғланган. Айвонлари тўртбурчак устунлидир. Бинонинг умумий узунлиги 38,25 м, ёнининг узунлиги 14,0 ва 14,6 м. Режага биноан асосий хонақоҳ - 8x8 м, баландлиги 14 м га тенг. Хонақоҳнинг тепаси қўшгумбаз билан ёпилган.<sup>26</sup>

Қарши туманининг Қаҳлак қишлоғидаги Чоргумбаз энг катта масжид бўлиб, ривоятларда XIV асрнинг охирида бунёд этилган ва у Амир Темур номи билан алоқадорлиги, айтилади. Айвонсиз иморатнинг ўзи 15x15 м, хонақоҳи - 12x12 м, гумбазининг диаметри - 4,5 м.<sup>27</sup>

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ва темурийлар даврида масжидлар Мовароуннаҳрда кўплаб диний обидалар қурилган бўлиб, улар ўзининг бетакрорлиги, шаклларнинг бир-бирига мослиги, архитектоникавийлиги, хушбичимлиги ва безакларга бойлиги билан ажралиб турган.

Биринчи бобнинг *“Тошкентнинг тарихий масжидларининг композицион ечимлари”* деб номланган 3-параграфида қуйидагилар кўриб чиқилган.

Тошкент анъанавий масжидлари сони юзасидан бир қанча манбаларда турлича фикрлар мавжуд. XIX асрга келиб шаҳарда масжидлар сони олдинги даврларга нисбатан ортган. Сабаби, шаҳарнинг кенгайиб бориши ва ундаги маҳаллалар сонининг ортиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам XIX асрда Тошкент шаҳридаги масжидлар сони тўғрисида манбаларда турлича маълумотлар берилган. Хусусан, 1866-1868 йилларда Тошкентда бўлган рус сайёҳлари П.И.Пашино ва А.Р.Хорошхин ёки уларнинг маълумотларига таяниб изланиш олиб борган немис тадқиқотчиси Ф. Хеллвалд XIX асрнинг 60-йиллари 2-ярмида Тошкентда 280-310 та атрофида масжид бўлганлигини қайд этган. Тошкент шаҳри тадқиқотчиларидан Н.Маев 1876 йилда эълон қилган *“Осиё Тошкенти”* номли мақоласида Бешёғоч даҳасида 68 та, Шайхонтоҳур даҳасида 60 та, Кўкча даҳасида 51 та, Себзор даҳасида 10 та масжид борлигини қайд қилган. Тошкент тадқиқотчиларидан А.И.Добросмислов эса XX аср бошида Тошкентдаги масжидлар сони 400 га яқинлигини таъкидлаган. Бу даврда шаҳардаги масжидлар сони аввалгига қараганда тез ўзгариб турган. Буни архив ҳужжатларида қайд қилинган 1868 йилда 297 та, 1873 йилда 248 та, 1889 йилда 180 та (фақат вақфли

<sup>26</sup> Маньковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари. 1979 й. 59-61-бетлар; Meliqulov G'.A. "Tarixiy yodgorliklar asosida hududlarning turizm imkoniyatlarini oshirish yo'llari (Qashqadaryo viloyati misolida)", (PhD) dissertatsiyasi. 2023 yil, 18.00.01–Arxitektura nazariyasi va tarixi. Arxitektura yodgorliklarini ta'mirlash va tiklash;

<sup>27</sup> Архив манба: Археолог. Шахурин К.А. "Мечеть Кук гумбаз" 1973 г.; Meliqulov G'.A. "Tarixiy yodgorliklar asosida hududlarning turizm imkoniyatlarini oshirish yo'llari (Qashqadaryo viloyati misolida)", (PhD) dissertatsiyasi. 2023 yil, 18.00.01–Arxitektura nazariyasi va tarixi. Arxitektura yodgorliklarini ta'mirlash va tiklash.

масжидлар), 1911 йилда 345 та, 1912 йилда 333 та масжид бўлганлигидан билиш мумкин. XIX асрнинг бошларидан шаҳарнинг европаликлар яшайдиган қисмида ҳам масжидлар кўпайиб бориб, 1911 йилда уларнинг сони 12 тага етган.<sup>28</sup>

Тошкент шаҳрида жойлашган тарихий масжидлар архитектуравий-тархйй ечимларини кўриб чиқадиган бўлсак:

**Тарзий ечим бўйича:** XIV-XVI асрларда Гузар масжидлари тарзий ечимида устун-тўсинли айвон ва хонақоҳ гумбазлари етакчи ўринга эга бўлган. Гузар масжидлари хонақоҳи асосан гумбаз конструкцияда ёки устун-тўсинли текис томли конструкцияда ёпилган;

XIX асрнинг II ярмида рус маданиятининг таъсири натижасида томларни ёпишда тунока томлар ҳам гузар масжидларида қўлланила бошланган. Бунга мисол қилиб Орифжонбой, Сирлик, Махсидўзлик, Андижон каби масжидларни келтириш мумкин. Шунингдек Орифжонбой масжиди тарзий ечимида ҳам рус архитектураси элементларини кўриш мумкин;

Гузар масжидлари ҳовлили бўлиб, баъзи масжидларда (Самарқанд дарвоза, Оби-Назир, Мирзабой ва бошқа) худудга кириш дарвозалари курилган. Улар пештоқли ва минорали кўринишда бўлган. Миноралар жойлашув бўйича кириш қисмининг тепасида ёки унга туташ тарзда курилган.

**Тархйй ечим бўйича:** Гузар масжидлари тархйй ечимида ёзги айвон ва кишги хонақоҳ асосий таркибий элемент ҳисобланган. Масжид тархларининг шаклида худудий жойлашув муҳим аҳамият касб этган. Шу сабабли айрим масжидлар тархлари текис бўлмаган шакл ҳосил қилган (Азлархон Эшон, Гулбозор, Махсидўзлик кабилар). XIX асрдан масжид тархлари аниқ шакл асосида курилганлигини кўриш мумкин (Шарофбой масжиди, Охунгузар масжиди, Кўк масжид, Самарқанд дарвоза масжиди кабилар);

Текис томли хонақоҳлар икки устунли (Махсидўзлик, Сирлик, Мирзабой масжидлари) ва тўрт устунли (Оби-Назир, Кўк масжид) бўлган. Шарофбой масжиди тархида асосий хонақоҳнинг диагонал йўналишдаги тўрт тарафида кичик ёрдамчи хоналар мавжудлигини кўриш мумкин. Ушбу жиҳат бошқа гузар масжидлари тархларида кам учрайди;

Тошкентнинг тарихий гузар масжидларининг аксариятида хонақоҳга айвонлардан ўтиб кейин кирилган. Кўк масжидда эса хонақоҳга тўғридан-тўғри ҳовлидан ва айвондан кириш ташкил этилган. Бу балки даврлар ўтиши билан хонақоҳга туташ айвоннинг бир қисмининг бузиб юборилишидан ҳам келиб чиққан бўлиши мумкин.

**Қирқим бўйича:** Тарихий масжидларнинг гумбаз ёпилиш конструкциясини кўрадиган бўлсак, гумбазни ҳосил қилишда асосан тўрт қиррадан саккиз қиррага равоқлар орқали ўтилган. Шарофбой масжидида ўзаро кесишувчи равоқлар тизмида гумбаз конструкцияга ўтилган. Галереяли айвонлар ҳам кичик гумбазлар билан ёпилган (Охунгузар масжиди);

---

<sup>28</sup> Султонов Ў. “Тошкент масжидлари тарихи”. Тошкент - 2010, -153-бет.

Хонақоҳларни гумбаз конструкциясида ёпилиши XIV-XVI асрларда кўплаб амалга оширилган, XVII асрдан гумбазларни қурувчи усталар бўлмаганлиги сабабли (А.А.Зияев фикри) масжид хонақоҳлари устун-тўсинли конструкцияда ёпила бошлаган;

1919-1920 йиллардан бошлаб масжидлар бошқа функцияларга мослаштирила бошлаган. Гумбаз конструкциясида ёпилган хонақоҳлар икки қаватли қилиб бўлинган. Масжидлар омборхона, ишлаб чиқариш корхоналари, отхона, савдога ва шу каби бошқа функцияларга мослаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳри масжидларининг типологик ечими квадрат ёки тўғри тўртбурчак тарҳга эга қишги хонақоҳ ва хонақоҳнинг турли томонларида шаклланган айвонлардан иборат бўлган. Хонақоҳлар XVI асргача гумбаз ёки устун-тўсинли конструкцияда ёпилган. Ҳар бир маҳаллада гузар масжидлари бўлиб, баъзи маҳаллаларда улар бир нечта бўлган. XIX асрнинг 2-ярмида 300 га яқин масжидлар шаҳарда фаолият кўрсатган. Масжидларнинг таназзули 1919-1920 йиллардан бошланган ҳамда уларнинг кўпчилиги бузиб юборилган, айримлари эса бошқа функцияларга мослаштирилган.

Умуман олганда, тарихий Тошкент масжидлари бир томони айвонли (Оби назир, Ҳайрабод эшон, Мирзабой, Кўк масжид, Гулбозор), икки томони айвонли (Шарофбой, Сирлик, Самарқанд дарвоза), уч томони айвонли (Азлархон эшон), галереяли (Охунгузар масжиди), йирик ҳовлили (Хўжа Ахрор Валий), анъанавий ва рус архитектора услублари уйғунлашган (Орифжонбой) каби композицион ечимларда шаклланган. Масжид асосий хонақоҳларининг том ёпмаси жиҳатидан устун-тўсинли ва гумбаз конструкциясида ёпилган. Жумладан, Кўк масжид, Оби Назир масжидлари тўрт устунли, Сирлик, Мирзабой масжидлари икки устунли конструкцияда ёпилган.

Диссертациянинг II боби **“Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган масжидлар архитектураси (туманлар кесимида)”** деб номланиб, унда Тошкент туманларида жойлашган бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 135 та масжидларнинг архитектураси ва типологик ечимлари кўриб чиқилган.

Иккинчи бобнинг **“Олмазор, Мирзо Улуғбек, Юнусобод ва Яшнобод туманларида жойлашган масжидлар архитектураси”** деб номланган 1-параграфида қуйидагилар кўриб чиқилган.

**Олмазор туманида** бугунги кунда фаолият юритаётган 21 та масжид мавжуд бўлиб, архитектуравий ечимлари бўйича 15 таси анъанавий услубда, 6 таси хориж таъсирида шаклланган. Анъанавий услубда шаклланган масжидларнинг тарҳий ечимида асосан хонақоҳларнинг квадрат, тўғри тўртбурчак ва “П” симон типологияда шаклланганлигини, хориж таъсирида шаклланган масжидлар тарҳий ечимида квадрат ва саккизқиррали типология ишлатилганлигини кузатиш мумкин. Анъанавий тарҳ типологиясида асосан хонақоҳ ва унга туташ айвон шаклланган бўлса, замонавий масжидлар типологиясида баланд ички балконларга эга хонақоҳ муҳим аҳамият касб

этаётганлиги, кўпроқ хонақоҳ архитектурасини жозибадор кўрсатиш учун унга туташтириб айвонлар қурилмаётганлигини, бунга хонақоҳларнинг баланд қилиб қурилатганлигини ҳам сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Замонавий масжидлар тарзларида пештоқ ривожлантирилгани, бир неча бўғинга эга минораларнинг шаклланиганлиги, пол сатҳидан бошланадиган баланд ойналар режалаштирилмоқда.

**Юнусобод туманидаги** Минор жоме масжиди тархий ечимида ташқи ва ички ҳовлининг шакллантирилганлигини кўриш мумкин. Ушбу масжиднинг архитектуравий ечимида ўрта асрларга хос анъаналарни учратамиз.

**Мирзо Улуғбек туманидаги** Тепа жоме масжиди кўп қиррали тархий ечимга эга бўлиб, ташқи кўриниши “Hi tech” услубида шакллантирилган.

**Яшнобод туманидаги** Имоми Аъзам жоме масжиди хонақоҳи тархи аниқ бир шаклни бермайди, яъни ҳудудий тузилишидан келиб чиқиб қурилган. Аҳмад Яссавий жоме масжиди хонақоҳи ҳам аниқ шаклда эмас, айланага яқин қиррали ечимда бунёд этилган.

Иккинчи бобнинг *“Чилонзор, Учтепа, Яккасарой, Миробод туманларида жойлашган масжидлар архитектураси”* деб номланган 2-параграфида куйидагилар кўриб чиқилган.

**Учтепа туманида** бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 20 та жоме масжиди бўлиб, улардан 12 таси анъанавий услубда, 8 таси хориж таъсирида бунёд этилган. Ушбу туманда ҳудудий жиҳатдан кенгайтириш имконияти йўқ бўлган масжидлар ҳам бўлиб, ушбу масжидларнинг ҳовли қисмлари ҳам айвон тарзда ёпилган (Маҳкамбой хожи, Абдулҳамид жожи, Абу Талха, Абу Ҳурайра жоме масжиди).

Масжидларни қайта қуришда тарихий қисми яхши сақланган жойларини сақлаб қолган ҳолда амалга ошириш усули Тошкент масжидларида қўлланилмоқда. Шундай масжидлар қаторига Учтепа туманидаги Чўпонота жоме масжиди, Шайхонтохур туманидаги Баланд жоме масжидини, Сузук ота масжидини киритиш мумкин. Бундай услуб масжиднинг тарихий қисмини музейлаштирган ҳолда сақлаб қолиш имкониятини яратади.

Хориж таъсирида шаклланиган масжидлар архитектурасида минора ва гумбаз элементлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Учтепа туманидаги Кўкча Оқтепа жоме масжиди ва Олмазор туманидаги Исломобод жоме масжиди миноралари тўрттадан қилинган, улар уч-тўрт бўлинмадан иборатлиги, энг паст бўлинма квадрат тархда, тепа бўлинмалари эса айлана шаклда шаклланиганлиги, минораларнинг тоқ қисми мезана билан якунланганлигини кўриш мумкин. Ушбу масжидларда гумбазлар сонининг ҳам кўплигини, яъни бештадан эканлигини кузатиш мумкин. Гумбазлардан асосийси йирик бўлиб, у хонақоҳ марказида жойлашган. Қолган гумбазлар кичикроқ ҳажмда асосий гумбазга бўйсунган ҳолда жойлаштирилган. Ушбу гумбазларнинг жойлашувига хонақоҳнинг тархий шакли таъсир кўрсатган. Кўкча Оқтепа масжиди хонақоҳи тархи квадрат бўлганлиги учун тўртта кичик гумбаз асосий йирик гумбазнинг тўрт тарафида диагональ йўналишда жойлаштирилган. Исломобод масжиди тархий ечими тўғри тўртбурчак

бўлгани сабабли кичик гумбазлар асосий гумбазнинг икки тарафига иккитадан жойлаштирилган.

Замонавий тарзда қуриладиган масжидлар гумбазларининг барабан қисмида кўплаб ойналар қўйилганлигини кузатиш мумкин. Тарихий масжидларда дарчалар кўпи билан тўрттагача бўлган.

**Чилонзор туманида** “Hi-tech” усулида қурилган масжидлардан бири Ҳасанхон қори жоме масжиди жойлашган. Ушбу масжид 1993 йилда қурилган эски масжид ўрнида 2024 йилда қайта қурилган. Масжид “V”-симон кўчалар оралиғида жойлаштирилган. Эски масжидга кириш кўчалар кесишмаси тарафдан амалга оширилган эди. Янги масжид қурилишида эса хонақоҳга кириш икки кўча тарафдан ҳам амалга оширилиб, кўчалар кесишмасига минора жойлаштирилган. Минора доминант элемент сифатида кўчалар кесишмасида архитектуравий нуқтаи назардан тўғри жойлаштирилган. Учтепа туманидаги Абу Ҳурайра масжиди ҳам “V”-симон кўчалар оралиғида жойлашган анъанавий типдаги масжид ҳисобланади.

Масжидларнинг замонавий тарзда қайта қурилиш жараёнида саккизқиррали ва айланасимон тархдаги шаклларнинг кўплаб қўлланиладиганлигини кузатиш мумкин. Бу албатта масжидларнинг асосий элементи ҳисобланган, меҳробларни жойлаштиришда қулайликни оширади. Шунингдек, объектни бош тархда жойлаштириш самарадорлиги ҳам ошади.

Иккинчи бобнинг *“Шайхонтохур, Янгиҳаёт, Сергели ва Бектемир туманларида жойлашган масжидлар архитектураси”* деб номланган 3-параграфида қуйидагилар кўриб чиқилган.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманида энг кўп 23 та масжид бугунги кунда фаолият кўрсатиб келмоқда. Улардан Имом Ҳасан жоме масжиди “hi-tech” услубида бунёд этилган. Асосий хонақоҳ шакли саккиз қиррали бўлиб, марказий қисми гумбаз шаклида ёпилган. Пештоқ қисми миноралари ва ойналари ноанъанавий шаклларда қилинган. Ушбу шаклларни чиқариш замонавий қурилиш материаллари ёрдамида амалга оширилган.

Асосий хонақоҳ қисми тарҳи саккиз қиррали шаклга эга ушбу тумандаги масжидлар қаторига Эшон Бобоҳон ва Абдуллоҳ ибн Ҳузофа жоме масжидларини ҳам киритиш мумкин. Ушбу масжидлар 1995 йилда қурилган масжид ўрнида 2020 ва 2023 йилларда қайта қурилган. Масжидларнинг тўрт бўғинли биттадан миноралари мавжуд. Айлана тарҳли шаклга эга масжидлар қаторига Оқ тунукали (2009 й. да қайта қурилган) масжидини киритиш мумкин. Хонақоҳда олти устун мавжуд бўлиб, гумбаз ушбу устунларга таянган. Янги қурилган масжидларда ойналар кенг ва баланд қилиб ишланган. Оқилон жоме масжидининг хонақоҳи тўққиз қиррали тарҳий ечимга эга. Хонақоҳ ва маъмурий биноларни ҳовли бир-биридан ажратиб туради. Хонақоҳ гумбаз билан ёпилган. Икки улкан минора ва кириш пештоғи бинога маҳобатлилиқ бахш этиб турибти.

Ушбу туманда Сузук-ота мажмуаси таркибидаги Сузук-ота жоме масжиди 2017-2019 йилларда 1919 йилги масжид ўрнида бунёд этилган. Эски масжиднинг гумбаз билан ёпилган хонақоҳ қисми реконструкция вақтида

сақлаб қолинган ва масжид тарҳининг муҳим ядроси сифатида қўлланилган. Умуман олганда, Сузук ота маҳалласида аввал бешта масжид мавжуд бўлган. Улардан Андижон ва Мирлар масжидлари реконструкция вақтида бузиб юборилган. Сузук ота ва Чўпон ота масжидлари реконструкция қилинган. Чақар масжиди ўз ҳолича сақланган.

Тарихий қисмини сақлаб қолган ҳолда реконструкция қилинаётган масжидлар қаторига XVIII асрга мансуб Баланд жоме масжидини ҳам киритиш мумкин. Унда минора, масжидга кириш пештоғи ва хонақоҳнинг бир қисми тарихий қисм сифатида сақлаб қолинган. Бу албатта ижобий ёндашув ҳисобланади.

Тошкентнинг марказий қисмида бугунги кунда фаолият юритаётган Хўжа Аҳрор Валий жоме масжиди тўғри тўртбурчак тарҳли, уч гумбазли композицияга эга. Унинг ўрнида дастлаб 1451 йилда қурилган эски Тошкентнинг энг катта жоме масжиди фаолият юритган.

Тарихий қисмини сақлаб қолган ушбу туманда фаолият юритаётган яна бир масжид - бу Мўйи муборак-Уккоша жоме масжидидир. Унда тарихий хонақоҳ ва устун-тўсинли айвон сақланиб қолган. Шунингдек қадимий минорали кириш дарвозаси ҳам бугунги кунда мавжуд. Шайхонтоҳур туманидаги бошқа масжидлар хонақоҳлари квадрат ёки тўғри тўртбурчак тарҳий ечимда шаклланган.

Янгиҳаёт туманида тўртта, Сергели туманида олтига, Бектемир туманида учта масжидлар бугунги кунда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу туманларда ноанъанавий тарҳий ечимда қурилган масжидларга Бектемир туманидаги Хўтон, Сергели туманидаги Абдуллоҳ ибн Зубайр жоме масжидларини (саккиз қиррали) киритиш мумкин. Хўтон жоме масжиди битта катта ва тўртта кичик гумбазлар билан ёпилган. Асосий гумбазни саккизта устун кўтариб туради. Икки минора ва кириш пештоқига эга. Абдуллоҳ ибн Зубайр масжиди бир гумбаз билан ёпилган ва у тўртта устунга таянган. Кириш қисмида тамбур ишланган. Бир минорага эга.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкентда ҳозирда фаолият кўрсатаётган масжидларнинг кўпчилиги ўзининг эски ўринларида замонавий тарзда қайтадан бунёд этилмоқда. Бу масжидларда намозхонлар сифимининг ошишига, ташқи кўринишларининг мукаммаллашувига, таҳоратхоналар ўрнининг ошишига, автотураргоҳларнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Диссертациянинг III боби **“Тошкент масжидлари архитектураси ва уларнинг типологик ечимлари”** деб номланиб, унда Тошкент масжидларининг шаҳар миқёсида жойлашув ўрни, масжидлар юзасидан таҳлилий маълумот ҳамда масжидларнинг типологик ечимлари кўриб чиқилган.

Учинчи бобнинг *“Масжидларнинг шаҳар миқёсида жойлашуви”* деб номланган 1-параграфида қуйидагилар кўриб чиқилган. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 135 та масжид фаолият юритмоқда. Диссертация доирасида уларнинг жойлашув ўрни Тошкент шаҳри харитасида белгилаб чиқилиб, масжидлар қурилиш услубларига кўра учта турга (анъанавий,

хориж таъсирида, “hi-tech”) ажратиб чиқилди. Жумладан, масжидларнинг 82 таси анъанавий услубда, 49 таси хориж таъсирида, 4 таси “hi-tech” услубида қурилган.

Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги энг кўзга кўринган масжидларидан бири бу **Ҳазрати имом мажмуаси, Ҳастимомдир**. Тошкентдаги меъморий ёдгорлик (XVI-XX асрлар); мажмуа имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Исмоил аш-Қафтол Шоший қабри атрофида шаклланган. Қабр ва унинг атрофида вужудга келган қабристон ва меъморий ёдгорлик мажмуаси Ҳазрати имом номи билан аталади. Дастлаб Бароқхон мадрасаси, кейинроқ Қафтол Шоший мақбараси, XVI аср охирларида Суюнчхўжахон ва номаълум мақбара, 1579 йилда Абдуллахон II маблағига қўш услубида Шайх бобоҳожид мақбараси қурилган (сақланмаган). XVI асрда мажмуа таркибида сайргоҳ боғ барпо этилган, айвонлар қурилган, ҳовуз атрофи кўкаламзорлаштирилган, халқ сайиллари ўтказилган. XIX аср ўрталарида Тошкент намозгоҳи (Тиллашайх масжиди), Мўйи Муборак мадрасаси, Жоме масжиди (сақланмаган) бунёд этилган. XX аср бошларида Тиллашайх масжиди қайта қурилган. Эшон Бобоҳон ҳам шу жойда дафн этилган. Ҳазрати Имом мажмуасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси жойлашган.<sup>29</sup>

Масжид ҳудудида 2007 йилда энг қисқа вақт (тўрт ой) мобайнида масжид қурилган. Масжиднинг ўзи Тошкент меъморий услубининг ноёб рамзидир: масжидга кираверишда йигирмата ўйма устунли сандал ёғочли терас мавжуд. Масжиднинг иккита кўк гумбази бор, унинг ички қисми олтин барг билан безатилган. Масжидга кираверишда баландлиги 53 метр бўлган иккита минора қурилган. Масжид 1890 йилда иймон-этиқодли, тақводор Тилло Шайх ота исмли савдогар томонидан қурдирилган. Шаҳарда дастлабки масжид Бинкатда бунёд этилган. IX-X аср араб тарихчилари Истахрий, Мақдисий ва ибн Ҳавқал шаҳар арки ёнидаги жоме масжидини тилга олиб ўтган. XIII аср муаллифи Жамол Қарший ўзининг “Мулҳақат би-с-суроҳ” асарида Шошда кўплаб масжидлар бўлганлигини ифодалаш учун “маҳаллаларида минглаб масжидлар бор” дея таъриф берган эди. XIII-XVIII асрлар давомида Тошкент муҳим ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий шаҳарлардан бири бўлиб, шаҳарда олдингига қараганда кўпроқ масжид фаолият юритган.<sup>30</sup>

Тошкентнинг бугунги кунда фаолият кўрсатаётган масжидларидан 48 таси 2019 йилда маданий мерос объектлари рўйхатига киритилган. Улар ҳозирги Тошкентнинг тўртта туманида жойлашган бўлиб, Чилонзор ҳамда Юнусобод туманларида иккитадан, Шайхонтохур туманида 21 тани, Олмазор туманида 23 тани ташкил этади.

Учинчи бобнинг “Тошкент масжидлари юзасидан таҳлилий маълумот” деб номланган 2-параграфида қуйидагилар кўриб чиқилган. Тадқиқотнинг ушбу параграфида шаҳарда жойлашган 135 та масжиднинг номи, жойлашган жойи, қурилган вақти, умумий ер майдони, қаватлар сони, миноралари,

<sup>29</sup> Зияев А.А. “Ташкент II” Тошкент-2009,; “Санъат”,-280-бет.

<sup>30</sup> www.ziyo.uz

сиғими каби маълумотларни ўзида жамланган, тахлилий маълумотлар келтирилган. Жумладан, қаватлар сони бўйича: масжидларнинг 74 таси бир қаватли, 61 таси икки қаватли эканлиги; миноралар бўйича: масжидларнинг 61 тасида миноралар мавжуд эмаслиги, 51 таси бир минорали, 21 таси икки минорали, 2 таси тўрт минорали эканлиги; сиғими бўйича: 58 та масжид 1000 нафаргача, 63 таси 1001-4999 нафаргача, 14 таси 5000 дан ортиқ намозхонни сиғдира олиши аниқланган.

Курилган даври бўйича эса жами фаолият юритаётган масжидларнинг 25 таси мустақилликгача, 110 таси мустақиллик даврларида курилганлиги, шунингдек умумий масжидларнинг 70 тасида қайта курилиш ишлари олиб борилганлигини кўриш мумкин.

Шаҳарда “Hi-tech” услубидаги масжидлар ҳам курилиши олиб борилмоқда. Шундай масжидлардан бири **“Ҳасанхон қори” жоме масжиди** бўлиб, Чилонзор тумани, Лутфий Кучаси 25-а уйда жойлашган. “Ҳасан қори” масжидининг эски биноси 1993 йилда 10 сотих майдонга курилган. Вақт ўтиши билан у эскириб, намозхонлар учун торлик қила бошлаган. Масжид ёнидаги ерлар сотиб олиниб, умумий ҳудуди 30 сотихга етказилиб, ярим йил мобайнида масжид бунёд этилган. Бундан ташқари, кутубхона, маъмурият хоналари бор.<sup>31</sup> Масжид бир вақтнинг ўзида 4500 кишини ўз ичига сиғдира олади.<sup>32</sup>

Учинчи бобнинг *“Тошкент масжидларининг типологик ечимлари”* деб номланган 3-параграфида куйидагилар кўриб чиқилган. Тошкентдаги замонавий масжидлар типологик жиҳатдан асосан саккизқиррали (баъзида тўккизқиррали), квадрат, айланасимон, “hi-tech”, тўғри тўртбурчак каби тарҳий ечимларда шаклланмоқда.

Замонавий масжид миноралари баландлиги хусусида тўхталадиган бўлсак, энг баланд минора Шайх Зайниддин масжидида (65 м) жойлашган. Ўрганилган миноралар ичида 23 метрдан 40 метргача бўлган миноралар кўплигини кўриш мумкин. Шунингдек, баланд миноралар қаторига Исломобод (54 м) ва Хўтон (46 м) жоме масжидлари минораларини ҳам киритиш мумкин. Миноралар асосан бир неча бўғинли тарзда бўлиб, энг пастги бўғин квадрат ёки саккизқиррали шаклда, юқори қисмлар эса айлана ва саккизқиррали шаклда курилганлигини кўриш мумкин. Минораларнинг юқори қисмлари кўпинча мезана билан якунланган. “Hi-tech” услубидаги масжид миноралари шакли эса нооддатий шаклда бунёд этилган.

Тарихий масжидларнинг баъзи элементлари замонавий масжидларда айрим ўзгаришлар асосида қабул қилинган. Жумладан:

тарихий масжидлар хонақоҳи тарҳий ечими квадрат ва тўғри тўртбурчак шаклларда бўлганлиги, замонавий масжидлар тарҳлари эса квадрат, тўғри тўртбурчак шакллардан ташқари айланасимон, кўпқиррали, ноодатий шаклларда ҳам шаклланаётганлиги;

<sup>31</sup><https://www.facebook.com/MuslimShosh.uz/posts>

<sup>32</sup> “Ҳасанхонқори” жоме масжиди паспорти.

тарихий масжидларда хонақоҳлар гумбаз ёки устун-тўсинли конструкцияда ёпилганлиги, замонавий масжидларда эса хонақоҳлар ҳажмининг ошиши натижасида гумбаз ва устунларнинг уйғунлашган конструкцияси қўлланилаётганлиги;

тарихий масжидларда минора намозга чақирув ва мўлжал вазифасини бажарганлиги, замонавий масжидларда эса миноралар архитектуравий шакл ҳосил қилувчи композицион шакл сифатида қўлланилганлиги.

Умуман олганда, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган масжидларнинг аксарияти қадимги ўрнида шаклланиб келмоқда. Улар турли даврларда таъмирланган ёки реконструкция қилиб келинган. Анъанавий масжидларнинг тарҳий асоси квадрат ёки тўғри тўртбурчак тарҳга эга хонақоҳлар ҳисобланган. Реконструкция жараёнида ушбу қисмларни сақлаб қолишга ҳаракат қилинган. Жумладан, Сузук ота мажмуасидаги масжиднинг эски хонақоҳи ҳам сақлаб қолинган. Бу жиҳат тарихий ёдгорликларимизни келажақ авлодга етказишда муҳим услублардан бири ҳисобланади.

## ХУЛОСАЛАР

Масжидлар архитектураси ва уларнинг типологик ечимлари: анъана ва замонавийлик (Тошкент шаҳри мисолида) мавзусида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тарихий масжидлар меъморий-режавий ечимларига қараб гузар (маҳалла), жума (жоме) ва намозгоҳ масжидларига бўлинган. **Гузар (маҳалла)** масжидлари бир гумбазли-айвонли тип, устун- тўсинли текис томли тип ва устун-тўсинли гумбазли типларга бўлинади. **Жума (жоме)** масжидлари бино типига кўра ички ҳовлили айвонли тип ва ҳовлисиз айвонли типларга бўлинади. **Намозгоҳ** масжидлари айвонли тип ҳисобланади.

2. Масжидларни меъморий-режавий композициясига қараб қуйидаги асосий турларга бўлиш мумкин: “Чортоқ” композициясидаги масжидлар (Термиздаги Чор Сутун масжиди ва Қаршидаги Тўра масжиди); хонақоҳи бир устунли (Бухородаги Куруксой масжиди) ва кўп устунли масжидлар (Хивадаги Жума масжиди); айвонли масжидлар (Самарқандаги Тиллақори масжиди); ҳовлили масжидлар (Калон, Амир Темур, Хўжа Аҳрор Вали жоме масжидлари).

3. Ўрта Осиёда жоме масжидлари ўтмишда асосан ҳовлили ва ҳовлисиз кўринишларда қурилган. Уларнинг сифими 5000 дан 10000 гача намозхонга мўлжалланган. Ҳовлисиз масжидлар қишги хонақоҳи атрофига туташ қилиб қурилган пешайвонлар кўринишида ёки кўп устунли кенг заллик яхлит меъморий ечимларда қурилган. Масалан, Хива Ичан қалъасидаги Жума масжиди кўп устунли кенг заллик қилиб қурилган.

4. Тошкент шаҳрида кўплаб маҳаллалар мавжуд бўлиб, ҳар бир маҳаллада бир нечта масжидлар қурилган. Архив ҳужжатларига кўра XIX

асрнинг 2-ярми – XX асрнинг бошларида шаҳарда 300-350 атрофида масжидлар фаолият кўрсатган.

5. 1919-1920 йиллардан бошлаб масжидлар бошқа функцияларга мослаштирила бошлаган. Бу даврларга келиб гумбаз конструкциясида ёпилган хонақоҳлар икки қаватли қилиб бўлинган. Масжидлар омборхона, ишлаб чиқариш корхоналари, отхона, савдога ва шу каби бошқа функцияларга мослаштирилган.

6. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган масжидлар сони умумий 135 тани ташкил этади. Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманида энг кўп 23 та масжид бугунги кунда фаолият кўрсатиб келмоқда. Улардан Имом Ҳасан жоме масжиди “hi -tech” услубида бунёд этилган. Асосий хонақоҳ шакли саккиз қиррали бўлиб, марказий қисми гумбаз шаклида ёпилган. Пештоқ қисми миноралари ва ойналари ноанъанавий шаклларда қилинган. Ушбу шаклларни чиқариш замонавий қурилиш материаллари ёрдамида амалга оширилган.

7. Анъанавий масжидлар хонақоҳларининг режавий ечимларида квадрат, тўғри тўртбурчак шакллар етакчилик қилган бўлса, бугунги кунда қурилаётган замонавий масжидларнинг режавий ечимида ноодатий шакллар (қиррали, айланасимон) етакчилик қилаётганлиги асосланган.

8. Масжид хонақоҳларининг гумбаз конструкциясида ёпилиши анъанавий масжидларда ҳам замонавий масжидларда ҳам қўлланилган. Анъанавий масжидлар гумбазлари хонақоҳ ташқи деворларига ёки йирик устунларга таянган. Замонавий масжидлар хонақоҳларининг ҳажм жиҳатидан катта бўлишига кўра, гумбазлар асосан шифтда осилиб тургандек композицияда шакллантирилмоқда. Бу албатта хонақоҳ ва гумбазнинг ҳажмий мувозанатининг бузилишига олиб келмоқда.

9. Тарихий масжидларнинг архитектуравий композициясида пештоқ, минора, гумбаз каби элементларнинг устуворлигига кўра, Тошкент шаҳридаги кичик маҳалла масжидлари архитектурасини бойитиш мақсадида, уларнинг архитектуравий кўринишларига юқоридаги элементларни киритиш таклиф этилади.

## **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ LIST OF PUBLISHED WORKS**

### **I бўлим (I часть; part I)**

1. Xasanova M.A. Toshkent masjidlari arxitekturasi // Me'morchilik va qurilish muammolari (ilmiy-texnik jurnal). Samarqand. 2024. №3. 56-59. (18.00.00, №2).

2. Xasanova M.A. Temuriylar davridagi masjidlarining arxitekturaviy rejaviy tuzulishi // Open-Assess Peer-Reviewed Monthly, Indexed Research Journal from

Poland. Miasto Przyszosci. Impact Factor: 9.2. ISSN-L2544-980X. Vol. 24 (Jun 2022). 112-115.

3. Xasanova M.A. Toshkentning XIX asrdagi jome masjidlari // Science and innovations. Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>. Special Issue-10 (2021) / ISSN 2181-1415. 522-528.

4. Xasanova M.A. History and architectural solutions of Tillashaykh jome mosque // Web of scientist: International scientific research journal. <https://wos.academiascience.org>. ISSN: 2776-0979, 3 Issue 6, June 2022. 357-361.

5. Xasanova M.A. Development processes of mosques and their architectural solutions (on the example of the city of Tashkent) // Arxitektura, qurilish va dizayn ilmiy-amaliy jurnali. Toshkent. 2023. №3. 68-70. (18.00.00, №1).

6. Xasanova M.A. Kalon masjidining berpo etilish tarixi va arxitekturaviy yechimi. // Arxitektura: Meros va zamonaviylik. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman. Toshkent. 2022. 122-124.

7. Xasanova M.A. Kalon masjidining berpo etilish tarixi va arxitekturaviy yechimi. // Arxitektura: Meros va zamonaviylik. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman. Toshkent. 2022. 122-124.

8. Xasanova M.A. Toshkent masjidlari tarixi va arxitekturaviy turlarining tahlili. // Arxitektura: Meros va zamonaviylik. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman. Toshkent. 2022. 135-137.

9. Xasanova M.A. Xotinmasjid, O‘rozaliboy jome masjidi eng noyob va qadimiy yodgorliklardan biri sifatida. (Toshkent shahri misolida). // Orolbo‘yi mintaqasi arxitektura muhitining rivojlanish muammolari va innovatsion yechimlari. Respublika on-line ilmiy-amaliy konferensiya Toshkent. 2021. 69-71.

10. Xasanova M.A. Masjidlar arxitekturasida peshtoqlarning o‘rni va ahamiyati // Науковий простір: актуальні питання, досягнення та інновації. Вінниця, Україна «Європейська наукова платформа» 2001. 106-108. №3.

11. Xasanova M.A. “Toshkent shahridagi masjidlarning me‘moriy rejaviy yechimlari (Uchtepa tumani misolida)” // TAQU. 2025 й.